

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

467 Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгилансин.

Давлат органлари, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар:

ўз фаолиятида юқорида кўрсатилган талабни ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилининг сўзсиз амалга оширилишини таъминласинлар;

ўз вазифалари ва ваколатларининг танқидий таҳлили асосида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ҳамда уларга йўл қўймаслик борасидаги чора-тадбирларни такомиллаштиришга ва уларнинг самарадорлигини оширишга доир асосланган таклифларни икки ой муддатда, белгиланган тартибда киритсинлар;

тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминласинлар.

2. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик вазирликлар ва идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари зиммасига юклансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб:

тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади, юридик шахсларнинг тугатилаётганида, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари бўйича берган муурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар бундан мустасно;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жинойт ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинади;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда, инсоннинг соғлиғи ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно, маъмурий ва жинойт жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилишидан озод этиладилар;

ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва руҳсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жинойт жавобгарликдан озод этиладилар;

тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жинойт жазо қўлланилмайди;

хорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига уларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида амалда бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини (ресурс ва божхона тўловлари бундан мустасно) беш йил мобайнида қўллаш ҳуқуқи берилади;

тадбиркорлик субъектлари ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берган тақдирда давлат божи тўлашдан озод этиладилар;

тадбиркорлик субъектларининг экспорт контрактларини давлат божхона хизмати органларида ҳисобга қўйиш борасидаги талаб валюта назорати органлари томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали ташқи савдо контрактлари назорати ва мониторингини сақлаб қолиш шarti билан бекор қилинади, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1997 йил 10 октябрда-

ги ПФ-1871-сон Фармонининг 1, 2 ва 4-иловаларида назарда тутилган товарларни экспорт қилиш бўйича контрактлар мустасно;

экспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат илгари худди шундай товар учун айнан сертификат олган аризачига бир иш куни мобайнида берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига қуйидаги асосий ваколатларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилсин:

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текшириляётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш;

тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқариляётганлигини ўрганиш;

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш;

давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларга йўналтирилган асосланган таклифлар киритсинлар:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш харажатларини камайтириш, масофавий назоратни кенг жорий этиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишни таъминлайдиган солиқ маъмурчилиги сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш;

республиканинг экспорт салоҳияти ўсишини, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этишни ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантирадиган валютани тартибга солишнинг ва валюталар курси сиёсатининг илғор бозор механизмларини жорий этиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолияти юзасидан қисқа муддатли текширишларни тайинлаш ва ўтказишнинг аниқ ҳуқуқий асослари ҳамда мезонларини назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг камерал назорати самарадорлигини ошириш орқали текширишларни ўтказиш сони ва муддатларини қисқартириш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қонунга итоаткор тадбиркорлик

субъектларининг барқарор фаолияти кафолатларининг асосий механизмларидан бири сифатида, аудиторлик ташкилотлари ва солиқ маслаҳатчилари кўрсатаётган хизматлар сифати ва тақдим этаётган хулосаларининг ҳаққонийлиги учун жавобгарликни кучайтириш юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, давлат органлари томонидан тижорат банклари фаолиятига, биринчи навбатда, кредит сиёсатида маъмурий аралашувларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик;

банкнинг самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи ғовларни тугатиш, шунингдек, миқозларнинг ўз пул маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқи тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

барча техник талабларни (санитария, экология, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар ва техник нормативларни) хатловдан ўтказсин ҳамда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда самарасиз, эскирган ва бозор механизмларининг ўрнини эгаллаб олган нормаларни бартараф этадиган тегишли норматив ҳужжатларни ишлаб чиқсинлар ва қабул қилсинлар;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги амалдаги норматив ҳужжатлардан монеликсиз ва бепул фойдаланиш имконини бериш мақсадида уларнинг жаҳон Интернет ахборот тармоғидаги ўз расмий веб-сайтларида жойлаштирилишини ва доимий янгилаб борилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларига нисбатан маъмурий жазоларни қўллаш борасидаги функция ва ваколатларини босқичма-босқич суд органларига ўтказиш юзасидан таклифлар киритсинлар;

иктисодий жиноятлар содир этиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуш оқибатида етказилган зарарни аниқлашнинг асосланган ягона мезонлари ва асосларини ишлаб чиқсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий суд, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

фуқаролар ва тадбиркорларнинг, энг аввало, давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, шунингдек, коррупция тусидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга қаратилган «Коррупцияга қарши курашуш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини;

жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ нормаларини янада либераллаштириш бўйича таклифларни;

қонун ҳужжатларига, энг аввало, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашishга ва уларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилишига йўл қўймасликка қаратилган, қўзғатилган жиноят ишлари бўйича молия-хўжалик фаолияти текширувларини (тафтишларни) тайинлаш, ўтказиш ва уларнинг муддатини узайтиришнинг аниқ процессуал тартиби белгиланишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни белгиланган тартибда киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди тадбиркорлар ҳуқуқларининг суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини, шаффофлик ва холисликни таъминлаш мақсадида уч ой муддатда суд мажлисларига аудио ва видео қайд этиш механизмлари босқичма-босқич жорий этилишини, шунингдек, қабул қилинган суд қарорлари веб-сайтларда жойлаштирилишини назарда тутувчи дастурнинг ишлаб чиқилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда тадбиркорлик субъектларига фақат давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали «ягона дарча» тамойили асосида кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш юзасидан таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда рухсат бериш тартиб-таомиллари, лицензия бериш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қанчалик мувофиқлигини танқидий ўрганиш асосида Вазирлар Маҳкамасига эскириб қолган ва замонавий талабларга жавоб бермайдиган рухсат берувчи ҳужжатларни бекор қилиш ҳамда рухсат бериш тартиб-таомилларининг муддатларини қисқартириш юзасидан таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини бажарувчи

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 5 октябрь,
ПФ-4848-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги
ПФ-4848-сон Фармониغا
ИЛОВА

467-модда

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар ДАСТУРИ

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
I. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида				
1.	Давлат органлари, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг вазифа ва ваколатларини танқидий таҳлил қилиш ҳамда тадбиркорликни амалга ошириш соҳасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, профилактика қилиш, уларга йўл қўймаслик борасидаги тадбирларнинг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришга доир асосланган таклифларни ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2016 йил ноябрь	Вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат органлари
2.	Тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш.	Комплекс чора-тадбирлар	2016 йил декабрь Доимий равишда комплекс чора-тадбирлар ижроси	Бош прокуратура, Олий суд, Адлия вазирлиги, ИИБ, МХХ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
3.	Фуқаролар ва тадбиркорларнинг, энг аввало, давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга, республиканинг инвестициявий жозибadorлигини оширишга, шунингдек коррупция тусидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга қаратилган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Қонун лойиҳаси	2016 йил ноябрь	Бош прокуратура, Олий суд, Адлия вазирлиги, ИИБ, МХХ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
4.	«Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. Унда қуйидагиларни назарда тутиш: ДХШ тушунчаси, вазифалари ва асосий йўналишлари; ДХШ иштирокчилари доираси, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;	Қонун лойиҳаси	2017 йил III чораги	Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги,

— 8 —

40 (748)-сон

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
	ДХШ иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, тадбиркорлик субъектлари маблағларининг сарфланиши шаффофлиги ва самарадорлиги кафолатлари; ДХШ лойиҳалари амалга ошириладиган устувор соҳалар; ДХШ иштирокчиларини рағбатлантириш ҳамда ушбу соҳада назоратни амалга ошириш тартиби ва шартлари.			Давлат рақобат қўмитаси, Олий ҳўжалик суди, Савдо-саноат палатаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
5.	«Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. Унда куйидагиларни назарда тутиш: давлат харидларини рақобат асосида амалга оширишнинг шаффоф ва очиқ механизми, ушбу соҳада коррупциянинг олдини олиш чоралари; давлат харидларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш; давлат харидлари тизимини қўллаш мажбурий бўлган субъектлар доирасини кенгайтириш, уларнинг қаторига давлат корхоналари ҳамда давлат улуши 50 фоиз ва ундан зиёд бўлган тижорат ташкилотларини қўшиш; давлат харидлари иштирокчилари учун шикоят қилишнинг мустақил ва самарали тизими ҳамда тартибини яратиш; электрон харидларни янада ривожлантириш, натижаларини таҳлил қилиш учун маълумотлар ягона базасини, харидларнинг зарурий параметрларини жорий этиш.	Қонун лойиҳаси	2017 йил II чораги	Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
6.	«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. Унда куйидагиларни назарда тутиш: давлат органлари бошқарув фаолияти ташкил этилишини такомиллаштириш; асосли ва тезкор қарорлар қабул қилиш орқали самарали давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш; юримдик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишнинг замонавий тартиб-таомилларини жорий этиш.	Қонун лойиҳаси	2017 йил II чораги	Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, ДБҚ, ДСҚ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
7.	Тадбиркорлик субъектларини жаҳон Интернет ахборот тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини такомиллаштириш ва соддалаштириш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2017 йил I чораги	Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, Ахборот техноло-

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
				гиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, ДСҚ
8.	<p>Қуйидаги асосий ваколатларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш:</p> <p>тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;</p> <p>тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш;</p> <p>тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш;</p> <p>қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш;</p> <p>давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш.</p>	«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси	2017 йил I чораги	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси
II. Тадбиркорлик субъектларини текширишларни қисқартириш ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралашининг олдини олиш соҳасида				
9.	Тадбиркорлик субъектларининг режадан ташқари текширишларнинг барча турларини бекор қилиш, юридик шахсларнинг тугатилаётганда, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари бўйича берган мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар бундан мустасно.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2016 йил декабрь	ДСҚ, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
10.	Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турларини бекор қилиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари	2016 йил декабрь	ДСҚ, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
11.	Энг аввало, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашшга ва уларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилишига йўл қўймасликка қаратилган, қўзғатилган жиноят ишлари бўйича молия-хўжалик фаолияти текширувларини (тафтишларни) тайинлаш, ўтказиш ва уларнинг муддатини узайтиришнинг аниқ процессуал тартибини белгилаш.	Қонун лойиҳаси	2016 йил ноябрь	Бош прокуратура, Олий суд, Адлия вазирлиги, ИИБ, МХХ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
12.	Давлат органлари, шу жумладан назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳузурида жамоатчилик маслаҳат кенгашларини ташкил этиш ва улар таркибига тадбиркорлик субъектларини, шунингдек уларнинг уюшмалари вакилларини киритиш.	Идоравий ҳужжатлар	2016 йил декабрь	Вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат органлари
III. Тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигини янада либераллаштириш соҳасида				
13.	Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда, инсоннинг соғлиғи ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилишидан озод этиш тартибини белгилаш.	Қонун лойиҳаси	2016 йил декабрь	Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Олий суд, ИИБ, МХХ, ДСҚ, ДБК, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
14.	Ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини белгилаш.	Қонун лойиҳаси	2016 йил декабрь	Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Олий суд, ИИБ, МХХ, ДСҚ, ДБК, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
15.	Тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўлламаслик тартибини белгилаш.	Қонун лойиҳаси	2016 йил декабрь	Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Олий суд, ИИБ, МХХ, ДСҚ, ДБК, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
16.	Иқтисодий жиноятлар содир этиш, шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашини оқибатида етказилган зарарни аниқлашнинг асосланган ягона мезонлари ва асосларини белгилаш.	Олий суд Пленумининг қарори лойиҳаси	2016 йил декабрь	Олий суд, Бош прокуратура, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, ИИБ, МХХ, ДСҚ, ДБК, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
17.	Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган жиноят қонунчилиги нормаларини янада либераллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.	Қонун лойиҳаси	2016 йил ноябрь	Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Олий суд, ИИБ, МХХ, ДСҚ, ДБК, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
IV. Молиявий ҳамда солиққа тортиш тизими ва божхона ишини такомиллаштириш соҳасида				
18.	Қуйидагиларга йўналтирилган асосли таклифлар киритиш: солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш харажатларини камайтириш, масофавий назоратни кенг жорий этиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишни таъминлайдиган солиқ маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш; республиканинг экспорт салоҳияти ўсишини, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этишни ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантирадиган валютани тартибга солишнинг ва валюталар курси сиёсатининг илғор бозор механизмларини жорий этиш; тадбиркорлик субъектлари фаолияти юзасидан қисқа муддатли текширишларни тайинлаш ва ўтказишнинг аниқ ҳуқуқий асослари ҳамда мезонларини назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш; тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг камерал назорати самарадорлигини ошириш орқали текширишларни ўтказиш сони ва муддатларини қисқартириш;	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2016 йил декабрь	Молия вазирлиги, Марказий банк, ДСҚ, Иқтисодиёт вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
	<p>ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қонунга итбаткор тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолияти кафолатларининг асосий механизмларидан бири сифатида, аудиторлик ташкилотлари ва солиқ маслаҳатчилари кўрсатаётган хизматлар сифати ва тақдим этаётган хулосаларининг ҳаққонийлиги учун жавобгарликни кучайтириш юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;</p> <p>банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, давлат органлари томонидан тижорат банклари фаолиятига, биринчи навбатда, кредит сиёсати-га маъмурий аралашувларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик;</p> <p>банкнинг самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи ғовларни тугатиш, шунингдек миқозларнинг ўз пул маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқи тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш.</p>			
19.	Нақдсиз пул айланмасини, авваламбор терминаллар ва пластик карточкалар сонини кўпайтириш орқали кенгайтириш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Чора-тадбирлар	2016 йил декабрь	Марказий банк, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, тижорат банклари
20.	Хорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига уларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида амалда бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини (ресурс ва божхона тўловлари бундан мустасно) беш йил мобайнида қўллаш ҳуқуқини бериш.	Қонун лойиҳаси	2016 йил декабрь	Молия вазирлиги, ДСҚ, Иқтисодиёт вазирлиги, ТИАИСВ
21.	Тадбиркорлик субъектлари ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берган тақдирда давлат божи тўлашдан озод этиш.	Қонун лойиҳаси	2016 йил декабрь	Молия вазирлиги, ДСҚ, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий хўжалик суди
22.	Тадбиркорлик субъектларининг экспорт контрактларини давлат божхона хизмати органларида ҳисобга қўйиш борасидаги талаб, валюта назорати органлари томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали ташқи	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2016 йил декабрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ТИАИСВ, ДБК, Иқтисодиёт

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
	савдо контрактлари назорати ва мониторингини сақлаб қолиш шарти билан бекор қилиш, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармонининг 1, 2 ва 4-иловаларида назарда тутилган товарларни экспорт қилиш бўйича контрактлар мустасно.			вазирлиги, Молия вазирлиги,
23.	Экспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат илгари худди шундай товар учун айнан сертификат олган аризачига бир иш куни мобайнида бериш тартибини белгилаш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2016 йил декабрь	ТИАИСВ, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзбекэкспертиза» АЖ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
24.	«Экспорт» божхона режимга амалга оширилмайдиган жойларда жойлаштирилган товар учун божхона расмийлаштируви йиғим ставкаларини амалдагига нисбатан икки марта камайтириш (энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизидан 5 фоизгача).	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2016 йил декабрь	Молия вазирлиги, ТИАИСВ, ДБК, Иқтисодиёт вазирлиги
V. Тадбиркорларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини кучайтириш, бизнес юритиш шароитларини яхшилаш, инвестициявий жозибadorлигини ва республиканинг халқаро рейтингини ошириш соҳасида				
25.	Назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларига нисбатан маъмурий жазоларни қўллаш борасидаги функция ва ваколатларини босқичма-босқич суд органларига ўтказиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2016 йил декабрь	Олий суд, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, ИИБ, МХХ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
26.	Тадбиркорлар ҳуқуқларининг суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини, шаффофлик ва холисликни таъминлаш мақсадида суд мажлисларига аудио ва видео қайд этиш механизмлари босқичма-босқич жорий этилишини, шунингдек қабул қилинган суд қарорлари веб-сайтларда жойлаштирилишини назарда тутувчи дастурнинг ишлаб чиқиш.	Дастур лойиҳаси Дастур ижроси	2016 йил декабрь 2017-2018 йй.	Олий хўжалик суди, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги
27.	«Ягона дарча» тамойили асосида кўрсатиладиган давлат хизматлари тизимининг самарали фаолият олиб бориши учун идоралараро ахборот алмашинуви механизмини такомиллаштириш.	Комплекс чора-тадбирлар	2017 йил IV чораги	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар,

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
				Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
28.	Тадбиркорлик субъектларини электр энергияси, газ ва сув билан узлуксиз таъминлаш мақсадида шаҳар (туман)ларнинг муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2017 йил I чораги	Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Ўзавтойул» АЖ, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
29.	Рухсат берувчи ва лицензиялаш тартиботларидан ўтишда шаффофликни ошириш, уларнинг сони ва кўриб чиқиш муддатларини оптималлаштириш, шу жумладан коррупцион омиллар шаклланиши имконини бартараф этиш ва бюрократия ҳолатларини тугатиш мақсадларида. Айрим лицензия турларининг амал қилиш муддатлари бўйича талабларни бекор қилиш юзасидан асослантирилган таклифлар киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2017 йил I чораги	Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
30.	Тадбиркорлик субъектларига фақат давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали «ягона дарча» тамойили асосида кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2016 йил декабрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, ДСҚ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
31.	Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) билан интеграциялашган «Ягона дарча» марказлари фаолиятига оид ягона веб-сайтни яратиш ва унга қуйидагиларни киритиш: марказлар фаолияти ҳақидаги умумий маълумотлар ҳамда кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати;	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2017 йил III чораги	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
	<p>таъсис ҳужжатларининг (ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўйича) стандарт намуналари;</p> <p>хизматдан фойдаланиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати, хизматлар пулли бўлган тақдирда, уларнинг қиймати, тўловни амалга ошириш тартиби ҳамда банк реквизитлари ҳақидаги маълумотлар;</p> <p>давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнида давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун «тадбиркорлик субъектининг шахсий кабинети» электрон ресурси (сайтни ЯИДХП билан интеграциялаштириш орқали).</p>			манфаатдор вазирликлар ва идоралар
32.	<p>«Электрон ҳукумат» тизими доирасида давлат хизматлари кўрсатишнинг асосий тартиб-таомиллари электрон шаклга ўтказишни жадаллаштириш, бунда:</p> <p>тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, лицензиялаш ва бошқа рухсат берувчи тартиб-таомилларни амалга оширадиган ваколатли давлат органлари маълумотлар базасининг «Лицензия» ахборот тизими мажмуаси билан интеграциялашувини жадаллаштириш;</p> <p>2017 йил якунига қадар ер участкалари ҳамда қурилишга рухсат бериш, мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишга онд тартиб-таомилларни интерактив шаклга ўтказишни яқунлаш;</p> <p>барча тартиб-таомиллардан ўтиш ҳамда «ягона дарча» тамойили бўйича электрон шаклда давлат хизматлари кўрсатиш ва транзакцион хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имкониятини берадиган «Солиқ» ва «Божхона» ахборот тизимлари мажмуининг идоралараро интеграциялашган платформаси орқали босқичма-босқич интеграциялаштириш.</p>	Комплекс чоратадбирлар	2017 йил IV чораги	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, ДСҚ, ДБҚ, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
33.	Товарнинг келиб чиқиш сертификатини, ветеринария, фитосанитария, экологик, санитария-эпидемиологик хулосаларни расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектларига рухсат берувчи тартиб-таомиллардан ўтиш жараёнини интерактив кузатиш имконини берадиган «Ягона дарча» идоралараро ахборот тизимини тўлиқ жорий қилиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2017 йил I чораги	ДБҚ, «Ўзстандарт» агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ТИАИСВ, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги,

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
				Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
34.	«Ўзбекэкспертиза» АЖ томонидан тадбиркорлик субъектларига экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизмати кўрсатиш ягона портални интеграциялаш йўли билан: товарлар келиб чиқишини сертификатлаштириш; маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида фойдаланиладиган технологик ускуналарни ва унинг эҳтиёт қисмларини, шунингдек таркибий қисмлари, хом ашё ҳамда материалларини олиб киришда хулоса бериш бўйича электрон хизматларни жорий этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2017 йил I чораги	ТИАИСВ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ДБК, Иқтисодиёт вазирлиги
35.	Ёшлар тадбиркорлигини ривожланишини янада рағбатлантириш, бунда: давлат органлари томонидан Ёшлар тадбиркорлигини ташкил этилишига қўмаклашиш; тадбиркорлик фаолиятига ёшларни жалб қилиш мақсадида имтиёзли кредитлар бериш; ёшларга тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш, таълим муассасалари билан иш берувчилар ўртасида шартнома асосидаги ҳамкорликни ривожлантириш; ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни кўзда тутиш.	Комплекс чоратадбирлар	Доимий	«Камолот» ЕИХ, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
36.	Барча техник талабларни (санитария, экология, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, ёнгин хавфсизлиги қоидалари, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар ва техник нормативларни) хатловдан ўтказсин ҳамда илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда самарасиз, эскирган ва бозор механизмларининг ўрнини эгаллаб олган нормаларни бартараф этадиган тегишли норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.	Норматив ҳужжатлар лойиҳалари	2016 йил декабрь	«Давархитектқурилиш» қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ИИВ, «Ўзстандарт» агентлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Саноатгеоконтехназорат» ДИ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
37.	Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги амалдаги норматив ҳужжатлардан монеликсиз ва бепул фойдаланиш имконини бериш мақсадида уларнинг жаҳон Интернет ахборот тармоғидаги ўз расмий веб-сайтларида жойлаштирилишини ва доимий янгилаб борилишини таъминлаш.	Комплекс чора-тадбирлар	2016 йил декабрь	«Давархитектқурилиш» қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ИИБ, «Ўзстандарт» агентлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Саноатгеоконтехназорат» ДИ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
38.	«Ўзбекистон» МТРК телеканалда доимий намойиш этиладиган «Тадбиркор даври» кўрсатувини ташкил этиш йўли билан аҳолига, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ бўлган тартиб-таомилларни тушунтиришга бағишланган интерактив телекўрсатувларни ташкил этиш.	Теледастурлар руқни	Доимий	МТРК, Савдо-саноат палатаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
39.	Қурилиш объектларининг мураккаблик (хавфлилик) даражасига кўра, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш жараёнида текширишларни тайинлаш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш, бунда: мураккаблик (хавфлилик) даражасига кўра текширишларни тайинлашнинг аниқ мезонларини; текширишларни ўтказиш (назорат функцияларини амалга ошириш) тартиби ва муддатларини; ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тарафларнинг жавобгарлигини назарда тутиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2017 йил II чораги	«Давархитектқурилиш» қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги
40.	Тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига «тайёр ҳолда топшириш» шарти билан улаш механизмни янада такомиллаштириш, бунда: АРТни ишлаб чиқиш муддатлари ва қийматини (II қисми); топографик картани ишлаб чиқиш тартиби, муддатлари ва қийматини; шартнома тузиш учун объектнинг шартнома қийматини аниқлаш тартибини белгилаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2016 йил декабрь	«Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» МХК, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
	<p>Тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига «тайёр ҳолда топшириш» шarti билан улашда объектнинг шартнома ва смета қийматини тайёрлаш бўйича «амал қилиш ҳужжати»ни ишлаб чиқиш, унда:</p> <p>шартнома ва смета ҳужжатларида минимал бошқа харажатлар (ҳақиқий харажат асосида);</p> <p>қўйилган вазифаларни бажариш учун ҳар бир ҳудудий бирликка зарур бўлган ходимлар штатининг чекланган сонини назарда тутиш.</p> <p>Мониторинг натижаларини «Ўзбекэнерго» АЖ расмий веб-сайтида доимий равишда янгилаб борган ҳолда, (SAIDI ва SAIFI индекслари асосида) энергия таъминоти мониторингини жорий этиш, шу жумладан режадан ташқари ўчириб қўйишлар, режадан ташқари ўчириб қўйишларнинг давомийлиги ва частотасини ҳисобга олиш, шунингдек режадан ташқари ўчириб қўйишда электр энергияси беришни тиклаш тартибини белгилаш.</p>			
41.	Тадбиркорлик субъектлари томонидан банклараро савдо сессиясида сотиб олинган хорижий валютадан фойдаланиш муддатини 7 кундан 15 кунга узайтириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2016 йил декабрь	Марказий банк, Адлия вазирлиги
42.	Кредит-ахборот хизматлари сифатини ошириш мақсадида, Халқаро молия корпорацияси билан биргаликда халқаро кредит бюросини «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси таъсисчилари таркибига жалб қилиш масаласини ишлаб чиқиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2017 йил давомида	Марказий банк, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси

Изоҳ: тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳаси ва предметига қараб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари қайта кўриб чиқилиши ёки ягона ҳужжатга бирлаштирилиши мумкин.